

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИЛЪЯСОВ АЗИЗБЕК БАХТИЯРОВИЧ

**ҲОМИЛАДА ХРОМОСОМ ВА ГЕНЕТИК КАСАЛЛИКЛАРНИ
ИНВАЗИВ ПРЕНАТАЛ УСУЛ БИЛАН АНИҚЛАШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ильясов Азизбек Бахтиярович

Ҳомилада хромосом ва генетик касалликларни инвазив пренатал
усул билан аниқлаш 3

Ильясов Азизбек Бахтиярович

Применение инвазивных методов пренатальной диагностики для
выявления хромосомных и генных заболеваний у плода 27

Pyasov Azizbek Bahtiyarovich

The use of invasive prenatal diagnostic methods for the detection of
chromosomal and gene diseases in the fetus 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИЛЪЯСОВ АЗИЗБЕК БАХТИЯРОВИЧ

**ҲОМИЛАДА ХРОМОСОМ ВА ГЕНЕТИК КАСАЛЛИКЛАРНИ
ИНВАЗИВ ПРЕНАТАЛ УСУЛ БИЛАН АНИҚЛАШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib610 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.akusherstvo.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталининг www.ziyo.net.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Юсупбаев Рустем Базарбаевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Ешимбетова Гульсара Закировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Джаббаров Улугбек Узакович
тиббиёт фанлари доктори


Етакчи ташкилот: Тошкент Педиатрия тиббиёт институти


Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» декабр кuni соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100124, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Мирзо Улугбек кўчаси 132А-уй. Тел./факс: (+99871) 263-84-83; e-mail: info@uzaig.uz).


Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100124, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Мирзо Улугбек кўчаси 132А-уй. Тел./факс: (+99871) 263-84-83.

Диссертация автореферати 2021 йил «24» декабр кuni таркатилди.
(2021 йил « » даги рақамли реестр баённомаси).




Д.А.Алиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор


М.М.Файзираҳманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, биология фанлари номзоди


Ф.М.Аюпова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда бутун дунёда болалардаги туғма ва ирсий касалликлар тобора жиддий тиббий-ижтимоий аҳамият касб этиб, генетик касалликларни туғруққа қадар ташхислаш пренатал скрининг олдида турган асосий вазифалардан бирига айланмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маҳлумотларига кўра «...ҳар йили тахминан 300000 нафар янги туғилган чақалоқ ҳаётининг биринчи ойида туғма нуқсонлар туфайли вафот этади»¹. Шунингдек, «...бутун дунёда ҳар йили 3,3 млн бола 5 ёшгача бўлган даврда вафот этади, 3,2 млн болада эса ногиронликнинг у ёки бу даражаси қайд этилади»². Перинатал ўлим ҳолатининг юқорилиги, ўз навбатида, ҳомилада хромосом ва генетик касалликларни антенатал ташхислаш усуллариани такомиллаштириш, ҳомилада туғма патология мавжудлигини аниқлашга қаратилган замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳамда замонавий пренатал технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда ҳомилада генетик касалликларни перинатал ташхислашнинг ноинвазив усулларианидан фойдаланган ҳолда перинатал ўлим ҳолатларини камайтириш, ҳомилада туғма патология мавжудлигини ўз вақтида аниқлашда юқори самарадорликка эришишга йўналтирилган катор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ҳомиладорларни эрта муддатларда мажбурий пренатал скринингдан ўтказиш заруратини асослаш; ҳомиланинг курсоқ ичи ривожланиши ва ҳолатини баҳолаш; ҳомилада биологик материални трансабдоминал усулда йиғиш техникасини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб муаммоларианидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда айни дамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикалаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослашган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни кенгроқ амалга ошириш»³ каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда туғма ирсий касалликларни эрта пренатал ташхислаш ҳамда ҳомиланинг инкурабел патологиялар билан туғилиши олдини олиш ва

¹ Отчёт Всемирной Организации Здравоохранения, 2016. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs370/en/>; Врожденные аномалии. www.who.int

² Отчет регионального обзорного совещания. <http://apps.who.int/iris/handle/10665/204361/>; Неонатально-перинатальная база данных и наблюдение за врожденными дефектами.

³ 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармон // www.lex.uz.

шу орқали перинатал ўлим кўрсаткичларини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ирсий ва туғма патологияларнинг олдини олиш ҳамда оғоҳлантириш бўйича чора-тадбирлар комплексида оғир, тўғрилаб бўлмас даражадаги нуқсонлар, ижтимоий аҳамиятли ҳамда ҳалокатли ген ва хромосом касалликлар билан болалар туғилишини бартараф этиш имконини берувчи инвазив пренатал диагностика тиббий-ташкилий нуқтаи назардан ҳал қилувчи роль ўйнайди. Акушерлик амалиётида текширишнинг ультратовуш усуллари кенг тарқалганлиги, биокимёвий скрининг таҳлил усули қўлланилишига қарамасдан хромосом аномалиялар ва генетик касалликлар билан туғилган болаларнинг умумий сони камайганича йўқ (Nicolaides K.H., 2014; Баранов В.С., 2014). Турли мамлакатларда олиб борилган кўп сонли тадқиқотлар, ҳомилада учровчи генетик касалликларни антенатал ташхислашда қўлга киритилган ютуқларга қарамасдан перинатал касалланиш, ўлим ва болаликдан ногиронлик кўрсаткичларининг барқарор юқори даражаси сақланиб қолмоқда (Kagan K.O., 2017; Щепин О.П.; Тишук Е.А., 2015; Барашнев Ю.И., 2014). Аҳолининг ирсий касалликлар тўғрисида етарлича ахборотга эга эмаслиги ва тиббий ходимларнинг компетентсизлиги ультратовуш ва скрининг натижаларидан кейин ҳомиладорликнинг асосланлмаган тўхтатилиши хавфини оширади (Benn P., 2013; Фролова О.Г., 2012; Симаходский А.С., 2017). Пренатал диагностика ривожда инвазив аралашув усуллари такомиллаштириш ҳамда операциядан кейинги асоратлар частотасини камайтириш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади. Генетик касалликларни эрта ташхислаш учун хорион туклари, ҳомилада киндик қони ва амнион суюқликни йиғишнинг трансабдоминал аспирацияси тактикасини такомиллаштириш келгусида қўшимча изланишлар олиб борилишини талаб этади (Novelli A., Cavalli P., 2013; Баранов В.С., Коротеев А., 2018; Гонтарь Ю. В., 2014; Оразмурадов А.А., 2010).

Мамлакатимизда генетик касалликларни эрта аниқлаш бўйича Давлат дастурларини амалга ошириш доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий кўмиталар томонидан ҳомила касалликларини антенатал диагностика қилиш хизматини ривожлантиришга эътибор қаратилаётганига қарамаздан, пренатал диагностика самарадорлиги, умуман олганда, ҳали жуда пастлигича қолмоқда. Айти пайтда Ўзбекистон Республикасида туғилишлар сони ўсиши фонида перинатал касалланиш, ўлим ва болалиқдан ногиронлик кўрсаткичларининг барқарор юқори кўрсаткичлари сақланиб қолиши кузатилмоқда (Маматкулов Б.М., Аvezова Г.С., 2015; Турсунова Д.Т., 2011; Бабаев К.Т., 2008).

Шундан келиб чиққан ҳолда асосий эътиборни ташхислаш усулларининг ўзига хос хусусиятлари ва сезувчанлигини ўрганиш, инвазив усуллар ва цитогенетик текширишларни такомиллаштириш юзасидан бериладиган кўрсатмаларни аниқлашга йўналтириш зарурияти юзага келмоқда. Бундан ташқари келгусида ирсий касалликлар бўйича хавф гуруҳига беморларни саралаш ҳамда ёш ва ҳар бир аёл учун индивидуал хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда инвазив аралашувларнинг оптимал усулини танлаш мезонларини яратиш, операциядан кейинги асоратларни камайтириш, лаборатор текширишлар ишончилигини ошириш ҳамда сохта натижалар сонини қисқартириш бўйича оптимал шароитларни таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш талаб этилади ва бу ушбу соҳада тадқиқотлар олиб борилишининг илмий-амалий аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишларининг АДСС – 15.2.5 «Хромосом касалликларни пренатал ташхислашнинг скрининг усулларини ишлаб чиқиш (2015–2017)» грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳомилада хромосом ва ген касалликларини пренатал ташхислаш усулларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хромосом касалликлар хавф предикторларини аниқлаш учун ҳомиладорларда ҳомила биокимёвий, ультратовуш кўрсаткичларининг ретроспектив таҳлилини ўтказиш; хавф гуруҳига киритилган ҳомиладорларда клиник (ёш, анамнез) маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда ҳомиланинг биокимёвий, ультратовуш скрининги натижаларини баҳолаш;

ҳомиладорларни инвазив скрининг қилиш орқали ҳомилада хромосома патологиясининг энг муҳим белгиларини ажратиш кўрсатиш ва бириккан қўшма пренатал скрининг кўрсаткичлари комбинацияси ҳамда имкониятларини баҳолаш; пренатал скрининг самарадорлигини оширишда хромосом аномалияларни амниотик сув билан цитогенетик текширишнинг асосий хусусиятларини аниқлаш;

инвазив муолажанинг биологик материални йиғиш техникасини такомиллаштириш; интра- ва операциядан кейинги асоратларни камайтиришда ультратовуш датчиги ва холдерда биопсия насадкасини қўллаш самарадорлигини асослаш;

комплекс пренатал скрининг ўтказиш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳомилада ирсий касалликлар бўйича юқори хавф гуруҳига киритилган ва пренатал диагностиканинг инвазив усуллари йўқлиги учун Республика миқёсидаги даволаш-профилактик тиббий муассасалар (РИАГИАТМ ДМ, РСМ, Гематология ва кон куйиш РИИАТМ, вилоят скрининг марказлари) дан жўнатилган 40 нафар ҳомиладор аёл олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб хорион туклари, амниотик суюқлик, ҳомила киндигидан олинган қон ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда функционал, биокимёвий, иммунофермент, цито-, молекуляр-генетик, статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ирсий касалликлар ривожланиши бўйича ультратовуш, биокимёвий ва анамнестик хавф омилларини аниқлашнинг диагностик мезонлари такомиллаштирилган; ультратовуш ва биокимёвий скрининг орқали хромосом касалликлар билан болалар туғилишини эрта ташхислашнинг прогностик имкониятлари баҳоланган;

илк бор генетик касалликларни туғруққа қадар эрта аниқлашда пренатал диагностика усуллари йўқлиги сезувчанлиги ҳамда специфик жихатлари аниқланган;

илк бор операциядан кейинги асоратлар частотасини камайтириш мақсадида ультратовушли датчик ва холдер учун биопсия насадкасидан фойдаланган ҳолда биологик материални йиғишнинг абдоминал техникаси такомиллаштирилган;

илк бор ҳомилада ирсий генетик патологиялар ривожланишининг юқори хавфи бўлган ҳомиладорларни олиб боришнинг дифференциал ёндашуви ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хромосом ва ген бузилишларини эрта ташхислашнинг инвазив усуллари такомиллаштирилган;

ҳомилада хромосом ва ген касалликларини ташхислашда яхлит ёндашувни шакллантириш бўйича клиник баённома ишлаб чиқилган;

инвазив пренатал диагностика ўтказиш учун ҳомиладорликнинг оптимал муддатларини аниқлаш бўйича услубий тавсиянома ишлаб чиқилган;

ультратовуш, биокимёвий ва анамнестик хавф омиллари, уларнинг комбинацияси ва диагностик аҳамиятини аниқлаш мезонлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.

Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги,

назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ҳомиладорлар сонининг етарлилиги, инструментал, функционал, статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёш, анамнез, хромосом патологияларнинг биокимёвий ва ультратовушли маркерлари, ҳомиладорлик муддати ҳамда аёлнинг психологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда пренатал диагностика қилишнинг инвазив усулларини амалга ошириш заруратининг илмий асосланганлиги, махсус тутқич ва ультратовушли датчикда биопсия насадқасини қўллаш орқали аралашувнинг оптимал усули танланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гестация муддати, ҳомиладорнинг психологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда инвазив аралашувларда таклиф этилган оператив усулни танлаш мезонлари, ёндашувлар ҳамда цитогенетик лаборатория имкониятларидан ҳомиланинг хромосом ва ген касалликларини эрта аниқлаш мақсадида республика скрининг марказлари, перинатал марказлар, республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказларида фойдаланилганда инкурабел ҳолатлар билан болалар туғилишининг олдини олишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Генетик патологияларнинг антенатал диагностикасини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Гестациянинг эрта муддатларида ҳомилада ирсий касалликларни курсоқ ичида диагностика қилиш усулини такомиллаштириш натижасида «Гестациянинг эрта муддатларида ҳомилада ирсий касалликларни курсоқ ичида диагностика қилиш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 8н-р/456-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ҳомиладорликнинг эрта муддатларида хромосом ва ген аномалияларини пренатал аниқлаш ҳамда даволаб бўлмайдиган жиддий нуқсонлар билан болалар туғилишининг олдини олиш орқали популяциянинг генетик юқини енгиллатиш имконини берган;

инвазив пренатал диагностика усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий акушерлик ва гинекология тиббиёт маркази, Тошкент вилояти перинатал маркази, Қибрай туманидаги туман тиббиёт бирлашмаси клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 январдаги 8н-д/13-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга тадбиқ

этилиши ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, ирсий патологиялар билан туғилган шахсларнинг ҳаётини таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан ажратиладиган молиявий харажатлар ҳамда бундай шахсларнинг оилалари томонидан қилинадиган сарф-харажатларни 18% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фетал тиббиёт: илмий тадқиқотлар йўналиши, эришилган ютуқлар, ривожланиш истиқболлари ва муаммолари**» деб номланган биринчи бобида ҳомиланинг хромосом ва ген касалликлари диагностикаси бўйича адабиётлар маълумотлари чуқур таҳлил қилинган, муаммонинг бугунги кундаги ҳолати танқидий баҳоланган, инвазив аралашувларда оператив усулни танлаш мезонлари, ёндашувлар ҳақидаги замонавий қарашларнинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган ҳамда тизимлаштирилган. Ҳомиланинг хромосом ва ген касалликларига доир бугунги кунга қадар ўз ечимини топмаган жиҳатларга тўхталиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг клиник материали ва методлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг клиник материали ва методларининг умумий тавсифи батафсил баён этилган. 2017–2020 йилларда перинатал скринингни амалга ошириш учун РИАГИАТМга мурожаат қилган ва 579 ҳолатда ҳомилада хромосом ва ген касалликлари ривожланишининг юқори хавфи аниқланган жами 1613 нафар аёл тадқиқотнинг илмий материали бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларини тўғри баҳолаш учун юқори хавф гуруҳидаги 40 нафар кўнгилли аёл кейинги инвазив ташхислашларни ўтказиш учун танлаб олинди. Қуйидагилар асосий гуруҳга қамраб олиш мезонлари бўлиб ҳисобланди:

- хромосом аномалияларнинг УТ ва/ёки БК маркерлари мавжудлиги;
- аёлнинг аёши 35 ёш ва ундан катталиги;
- оилада хромосом касаликка чалинган боланинг мавжудлиги ёки олдинги ҳомиладорликда шундай ҳомиланинг аниқланганлиги;
- ота-оналарда кариотип аномалиялари;
- Х-боғланган ва/ёки ген касалликлар мавжуд бўлганда ҳомиланинг жинсини аниқлаш;
- қариндошлар никоҳи;
- ҳомиладор аёлнинг тадқиқотда иштирок этишга розилиги.

Қуйидагилар истисно этиш мезонлари бўлиб ҳисобланди:

- аёлнинг инвазив пренатал диагностикага 22 ҳафтадан катта муддатда мурожаат этиши;
- аёлнинг тадқиқотда иштирок этишдан бош тортиши;
- гестациянинг 8 ҳафтагача бўлган муддатидаги ҳомиладорлар;
- думғазадан бошнинг тепа қисмигача бўлган ўлчамнинг 43–45 мм дан камлиги, аёл жинсий аъзоларида ўткир юқумли-яллиғланишли жараёнларнинг мавжудлиги, ҳомиладорликни тўхтатиш хавфи, ОИВ ташувчилари.

Ҳомиладорларда гестация муддатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳомиладорларга перинатал ёрдам кўрсатишнинг Миллий стандартлари асосида белгиланди (Тошкент, 2020).

Асосий гуруҳдаги 40 нафар ҳомиладор иккита кичик тадқиқот гуруҳларига ажратилди. Биринчи кичик гуруҳга 35 нафар (87,5%) УТ скринингдан ўтказилган, хромосом абберрация маркерлари мавжуд ҳомиладорлар ва/ёки (биргаликда) зардоб маркерларининг меъёрий кўрсаткичларида оғишлар мавжуд, хромосом патологиялар ривожланишида юқори ёш хавфи, оилада хромосом касаликка чалинган бола бўлган ёки олдинги ҳомиладорликларда шундай патологияли ҳомила аниқланган, оғирлашган оилавий анамнезли ҳомиладорлар киритилди. Иккинчи кичик гуруҳни ҳомилада ген касалликлари ривожланиш хавфи бўлган 5 нафар (12,5%) ҳомиладор ташкил этди.

Ҳомиладорлар яшаш жойи бўйича оилавий поликлиникада ва РИАГИАТМ давлат муассасининг «Оила ва никоҳ» илмий-консультатив поликлиникасида кўриқдан (Алиева Д.А.) ҳамда инвазив аралашувларга тайёргарликдан ўтказилди.

Лаборатор текширишларнинг стандарт спектридан фойдаланилди: қоннинг умумий таҳлили, сийдикнинг умумий таҳлили, қин флорасининг характери ҳамда қон гуруҳи ва резус-факторни аниқлаш. Инфекциялар – сифилис, одам иммунитет танқислигит вируси, В ва С гепатитларни истисно этиш учун тест ўтказилди.

Ҳомиладорларга тиббий-генетик консултация маркази бўлим мудир (Исхакова Г.Б.), Республика скрининг маркази генетики (Пак А.А.), Гематология ва қон қуйиш РИИАТМ молекуляр-генетик лабораторияси бўлим мудир (профессор Бабаев К.Т.) каби генетиклар томонидан консултация берилди. Зарурат бўлганда бошқа аралаш мутахассислар маслаҳати ҳам олинди.

Аёллар инвазив пренатал диагностика ўтказилишининг зарурати, муайян усулдан фойдаланиш ва операцияга киришнинг мақсадга мувофиқлиги, интра-ва операциядан кейинги эҳтимолий асоратлар тўғрисида маълумот берилди. Барча ҳолатларда муолажалар учун ёзма розилик олинди.

Ультратовуш белгилари ва биокимёвий скрининг кўрсаткичлари таҳлил қилинди, биокимёвий скрининг ҳамда ультратовуш кўрсаткичларида ҳомилада хромосом аномалиялар ва ген касалликлари аниқланган аёллардаги патологик ўзгаришлар ўртасида коррелятив алоқа мавжудлиги аниқланди.

Фетал гормонлар даражасини аниқлашлар РИАГИАТМ давлат муассасасининг иммунология бўлимида (Файзирахманова М.М.) амалга оширилди, ҳомиладорликнинг 11–13,6 ҳафталик муддатида РАРР – А ва β – ОХГ зардоб оксилларининг даражаси, шунингдек, 16–19,6 ҳафталик муддатда АФП, ОХГ ва эркин эстриол (ЭЭ) аниқланди. АФП, ОХГ концентрацияси ва боғланмаган эстриол «ИФТ–АФП» ва «Гонадотропин ИФТ–ОХГ» («Нитон» МЧЖ, Германия) тест-тизимидан фойдаланиб қаттиқ фазада иммунофермент усулда аниқланди. Ҳомиладорлик билан плазмали асоциирланган А оксиди (РАРР – А) ни аниқлаш ҳам «Алкор Био» МЧЖ (Санкт-Петербург) ёрдамида ИФТ усулида амалга оширилди. Автоматик дастурдан фойдаланган ҳолда стандарт калибрли қийшиқ бўйича ОХГ, РАРР – А ва ЭЭ, АФП концентрациялари аниқланди. Маркерларнинг даражалари ўлчанган аҳамиятни ҳомиладорликнинг ушбу муддатидаги медианага бўлиш орқали МоМ бирликларида ифодаланди. Д.Отта номидаги акушерлик ва гинекология институти ва «АлкорБио» МЧЖ (Санкт-Петербург) томонидан ишлаб чиқилган «Исида» дастури ёрдамида Даун, Эдвардс ва Патау синдромлари бўйича индивидуал хавф ҳисоблаб чиқилди.

Ультратовуш текширишлари марказ мутахассислари (Матчанова А.Т., Таджиддинов Э.Э.) томонидан «Mindray 8» (КХДР, 2017) ва «Samsung UGEO H-60» (КХДР, 2017) фирмаларининг ультратовуш аппаратларидан фойдаланиб ўтказилди. Ультратовушли скрининг амалий қўлланмаларда (Фозилова А.А., 2012) тавсия этилган меъёрлардан фойдаланиб амалга оширилди.

Ҳомиладорларда, асосан, пренатал диагностиканинг кейинчалик биологик материални цитогенетик ва молекуляр-генетик текширишлар билан кордоцентез (13 нафар, 32,5%), амниоцентез (21 нафар, 52,5%) ва хорион тукларининг трансабдоминал аспирацияси (6 нафар, 15%) каби инвазив усуллари ўтказилди.

Инвазив манипуляциялар QUINKE қирқимли мандренли биопсия игналари (18G 160 mm; 22G 200 mm), эхоген учлик, чуқурликни силлик

чеклагич, сантиметрли белгилар ва шприцни бириктириш учун коннектор (Италия, Medax medical devices) дан фойдаланган ҳолда УТ назорат (Philips 2008, Нидерландия, 5 МГц ли секторли датчик) остида ўтказилди.

Цитогенетик текширишлар «Sigma» (АҚШ, 2019) ва «ПАНЕКО» (Россия, 2019) фирмаларининг реактивларидан фойдаланиб амалга оширилди.


Хромосом таҳлил стандарт хромосомли микроматрицали таҳлил (Genechip scanner 3000 7G system) ёрдамида ўтказилди. Юқори зичликка эга 750 минг маркерларни сақловчи, геномнинг барча клиник аҳамиятли учаткаларини қопловчи ўртача зичликдаги микроматрицадан фойдаланилди.

Ген касалликларини пренатал диагностика қилиш учун асосий ДНК-диагностика усули – полимераз занжирли реакция усули қўлланди.

Олинган маълумотларга тиббий ва биологик тадқиқотлар учун умумий тавсияларга амал қилинган ҳолда Microsoft Excel 2013 (Microsoft Corp., АҚШ) ва Statistica 6.0 for Windows (Stat Soft Inc., АҚШ) стандарт амалий дастурлар пакетидан фойдаланиб статистик ишлов берилди.

Ҳомилада аномалияларни аниқлашга нисбатан усулнинг самарадорлигини баҳолаш учун сезувчанлик, спецификлик, ижобий прогностик аҳамият, салбий прогностик аҳамият, усулнинг диагностик аниқлиги ҳисоблаб чиқилди (Altman D.G., Bland J.M. Diagnostic tests 2: predictive values, 1994; Anders Albom, Stephan Norrel, 1996).


Диссертациянинг «**Генетик касалликлар билан болалар туғилишининг юқори хавфи бўлган аёлларда скрининг кўрсаткичлари тавсифи**» деб номланган учинчи бобида генетик патологиялар ривожланиш хавф омиллари таҳлили келтирилган ва унда ирсий (генетик) патология ҳар қандай ёш тоифасида тенг даражада учраши мумкинлиги ва бу ёшидан қатъи назар (хавф гуруҳида 35 ёшгача бўлган ҳомиладорлар ҳам, ундан катта ёшдаги ҳомиладорлар ҳам тенг миқдорда бўлди), ҳар бир ҳомиладорни чуқур комбинацияланган пренатал скринингдан ўтказиш зарурлигидан далолат бериши асосланган (1-расм).



1-расм. Кўриқдан ўтказилган аёлларнинг ёш хусусиятлари таҳлили.

Текширишдан олинган натижалар асосида белгиландики, ёш хавфи мавжуд шахсларда ташxisланган анеуплоидия ҳолати 3 нафар (17,6%) беморда қайд этилди. Ёш омили бўлмаган шахсларда 7 та ҳолатда (38,9%) ҳомилада хромосом патологиялар ташxisланди. Бинобарин, қайд этиш жоизки, пренатал скринингни ҳомиладор аёлларнинг барча ёш тоифаларида ўтказиш зарур.

Изоляцияланган ёш омили хавфини ўрганишдан олинган натижалар таҳлилига кўра айтиш мумкинки, 35 ёш ва ундан катта ёшли 17 нафар ҳомиладорлардан фақат 2 нафари (11,8%) дагина ёшга боғлиқ хавф (патологиясиз кариотип) аниқланди.




2-расм. Ёшга боғлиқ хавф омилни ўрганишдан олинган натижалар таҳлили.

1 (битта) қўшимча хавф омили мавжуд 10 нафар (58,8%) ҳомиладорда битта ҳолатда ҳомиланинг аномал кариотиби содир бўлди (10%). 2 ва ундан ортиқ хавф омили мавжуд бўлган 5 нафар (29,4%) ёшга боғлиқ ҳомиладорларда 2 нафар ҳомилада аномал кариотип қайд этилди (40%) (2-расм). Бинобарин, ўтказилаётган пренатал скринингнинг сезувчанлиги ва спецификлигини ошириш мақсадида ёш омили бошқа хавф омиллари билан бирлаштирилиши керак.

Анамнез (ота-оналарда транслокация, оилада болаларнинг анеуплоидия билан туғилиш ёки яқин қариндошларда хромосом патологиялар мавжудлиги факти) ни ўрганиш натижаларига кўра хавф омили сифатида уни бошқа инвазив бўлмаган тестлар билан бирлаштириш ва зарурат туғилганда ташxisни цитогенетик таҳлил орқали текшириш зарурлиги аниқланди, бу эса, ўз навбатида, ўтказилаётган пренатал скринингнинг сезувчанлиги ва спецификлигини оширади.

Оғирлашган анамнез мавжуд 4 нафар ҳомиладордан 1 нафари (25%) да хавф омили сифатида анеуплоидия тасдиқланди. Текширишдан ўтказилган қолган 3 нафар (75%) ҳомиладорда ҳомиланинг хромосом аномалияси истисно этилди (3-расм).



3-расм. Ирсий хавф омилини ўрганишдан олинган натижалар таҳлили.

Ирсий омил бўйича изоляцияланган хавф бўлган 2 нафар (50%) ҳомиладорда ҳомиланинг патологиясиз кариотиби қайд этилди. Ушбу хавф омилини ҳисобга олишнинг спецификлиги ва сезувчанлигини ошириш мақсадида оғирлашган анамнез бўлган ҳомиладорда (1 нафар ҳомиладор, 25%) битта қўшимча хавф омили (зардоб оксили даражасининг ўзгариши) мавжуд бўлганда ҳомила кариотиби ўрганилди. Хромосом патология истисно этилди.

2 ва ундан ортиқ хавф омили (ёшга боғлиқ хавф, ультратовушли маркерлар) мавжуд бўлган 1 нафар ҳомиладорда (25%) ҳомилада 14-жуфт хромосоманинг узун елка микродупликацияси аниқланди, бу сифатли хромосома бузилиши ҳисобланади. Ушбу омил, шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади ва бундай ҳолатларда ҳомиланинг генетик патологиялар билан туғилиш хавфи жуда юқори бўлади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ушбу босқич хавф гуруҳида ҳомиладорлар доирасини торайтириш ва техник жиҳатдан қийин муолажалар сонини камайтириш имконини беради.

Туғруққача бўлган босқичда хромосом патологияларни аниқлашга нисбатан ультратовуш скрининг самарадорлигини аниқлаш учун нафақат изоляцияланган белги, балки бошқа хавф омиллари ва фетал гормонлар даражасининг меъёрий кўрсаткичлардан оғиши билан бирикишига кўра ажратилган эхомаркерлар билан ҳомиладор аёллар гуруҳи таҳлил қилинди. УТТ хулосаларида тавсифланган хромосом аномалияларнинг энг кўп учровчи эхомаркерлари сифатида қуйидагилар кўрсатилди: ёқа бўшлиғи қалинлигининг катталаниши (бўйин бурмаси кенлиги (ББК), бўйиннинг кистали гиромаси) – 16 нафар (45,72%); бурун суяги (БС)нинг гипо/аплазияси (ҳомилада силлиқланган профил) – 11 нафар (31,43%); юракда гиперэхоген фокус – 6 нафар (17,14%); гиперэхоген ичак, х/а сувларга

киритилиши (кўп сувлилик, кам сувлилик), плацентация (бачадон бўйнига нисбатан йўлдошнинг пастда, четда, тўлиқ жойлашуви) – 4 (11,43%).

Инвазив муолажалардан кейин цитогенетик текширишларда 11 та ҳолатда (31,43%) ҳомилада хромосом патология аниқланди. Ҳомила УТТси 9 нафар (81,82%) ҳомилада – ёқа бўшлиғи қалинлиги (ЁБК)нинг катталашishi (бўйин бурмаси кенглиги, бўйиннинг кистали гигромаси); 6 та ҳолатда (54,55%) – БСнинг гипо-/аплазияси (ҳомилада силлиқланган профил); 18,18% ҳолатда – х/а сув хусусиятлари ва микдоридаги ўзгаришлар (кўпсувлилик, кам сувлилик); 18,18% ҳолатда – вентрикуломегалия (тасдиқланган ҳолатлар сонидан келиб чиққан ҳолда) каби эхомаркерлар билан биргаликда кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Хромосом аномалия ташхисланган ҳомиладорларда эҳтимолий эхомаркерларни ўрганиш натижалари таҳлили, %

T / P	Ҳомиланинг ХАси УТ маркери	Даун синдроми (n=7)	Клайнфельтер синдроми (n=1)	Хромосоманинг 9- жуфти трисомияси (n=1)	13-жуфтнинг микро- дупликацияси (n=1)	14-жуфтнинг микро- дупликацияси (n=1)
1	ЁБКнинг катталашishi (ББК, ҳомила бўйнида кистали гигрома)	+	+	-	+	+
2	Бурун суяги гипо-/аплазияси (ҳомилада силлиқланган профил)	+	+	+	+	+
3	Кўп сувлилик	-	+	-	-	+
4	Вентрикуломегалия	+	+	-	-	-
5	Ҳомила истисқоси (асцит)	+	+	-	-	-
6	Пиелоктазия	-	-	-	+	-
7	Хориоид чирмашиш кистаси	-	-	+	-	-
8	Қон оқимининг бузилиши	-	-	-	-	+
9	Жами эхомаркерлар	4	5	2	3	4

Ёқа бўшлиғи қалинлигининг катталашishi (бўйин бурмаси кенглиги, бўйиннинг кистали гигромаси) изоляцияланган белги сифатида 5 нафар (31,25%) ҳомилада қайд этилди. 3 та ҳолатда (60%) хромосомали аномалия – Даун синдроми аниқланди. Ушбу эхомаркернинг бошқа УТ маркерлар билан бирикиши 11 нафар (68,75%) ҳомилада кузатилди ва улардан 6 нафариди (54,55%) хромосом патология аниқланди. Даун синдромли 3 нафар (50%) ҳомилада бурун суякларининг катталашishi, гидроторакс, ҳомила истисқоси қайд этилди. Клайнфельтер синдроми бўлган 1 та (16,67%) ҳолатда бурун суякларининг катталашishi, вентрикуломегалия ва асцит кузатилди. 1 нафар (16,67%) ҳомилада 13 ва 14-жуфт хромосома узун елка қисмида бурун суяги

гипоплазияси, силлиқланган профил, кўп сувлилик ва қон оқимининг бузилиши (салбий веноз томир – патологик А тўлқин) билан бириккан микродупликация аниқланди.

Шундай қилиб, ЁБҚнинг катталашини бошқа эхомаркерлар билан биргаликда генетик патологиянинг прогностик жиҳатдан аҳамиятли ультратовуш маркери ҳисобланади.

11 нафар (31,43%) ҳомилада бурун суяқларининг калталашини қайд этилди. 6 та ҳолатда (54,5%) бошқа эхомаркерлар билан бирикиши кузатилди.

2 нафар (33,3%) ҳомилада Даун синдроми, 1 нафар (16,7%) ҳомилада Клайнфельтер синдроми ва 2 нафар ҳомилада (33,3%) 13 ва 14-жуфт хромосомалар узун елка қисмида микродупликацияли участка аниқланди. Ҳомилада 9-жуфт хромосома трисомияси бўлган 1 ҳолатда (16,7%) бурун суяги гипоплазияси томир туташмалари кистаси комбинацияси билан биргаликда кечди.

Қон оқимининг бузилиши 2 ҳолатда (5,7%) кузатилди ва бошқа эхомаркерлар билан биргаликда кечди. 1 нафар (50%) ҳомилада 14-жуфт хромосома узун қисми микродупликацияси аниқланди. 2 та ҳолатда ҳомилада қон оқимининг бузилишида генетик патология истисно этилди.

Брахицефалия изоляцияланган эхобелги сифатида 1 та (2,9%) ҳолатда учради. Ҳомиладорда хромосомали патологиянинг биокимёвий маркерлари ва юқори ёш хавфи мавжуд. Цитогенетик текширишларда анеуплоидия истисно этилди.

Хориоид туташмалар кисталари 2 нафар (5,7%) ҳомилада учради. 1 нафар (50%) ҳомилада бурун суяги гипоплазияси билан комбинацияси – 14-жуфт хромосоманинг узун қисмида микродупликация аниқланди. Бўйиннинг кистали гигромаси билан комбинацияси бўлган иккинчи ҳомилада генетик патология истисно этилди.

Ҳомила вентрикуломегалияси юқори хавф гуруҳидаги 3 нафар (8,6%) ҳомиладорда аниқланди. вентрикуломегалияли биринчи ҳомилада (33,3%) изоляцияланган ягона белги сифатида Даун синдроми ташхисланди. Клайнфельтер синдроми бўлган иккинчи ҳомилада (33,3%) вентрикуломегалия бўйиннинг кистали гигромаси ва бурун суягининг калталашини билан комбинацияланган ҳолда кечди. Бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳомиланинг вентрикуломегалияси аниқланган ҳомиладорларни ҳам изоляцияланган белги билан, ҳам бошқа эхомаркерлар билан бириккан ҳолда хромосом патологиялар бўйича хавф гуруҳига киритиш зарур.

Миокардда гиперэхоген фокус 6 нафар (17,1%) ҳомилада аниқланди. Битта ҳолатда (16,7%) – изоляцияланган белги, 5 та ҳолатда (83,3%) – гиперэхоген ичак, пиелоектазия, ҳомила атрофи суви киритилиши билан бирикди. Тадқиқот натижаларига кўра бирорта ҳам ҳолатда хромосомали аномалия аниқланмади. Бинобарин, миокардда гиперэхоген фокус,

тадқиқотдан олинган маълумотларга кўра анеуплодияга нисбатан диагностик аҳамиятга эга бўлмади.

Гиперэхоген ичак 4 та ҳолатда (11,4%) ҳомила атрофи суви киритилиши, пиелоэктазия, миокардда гиперэхоген фокус комбинацияси билан бирга кечди, кариотип аномалия аниқланмади.

Нормал кариотибли 1 нафар (2,9%) ҳомилада омфалоцеле аниқланди. Асцит 2 ҳолатда (5,7%) бўйиннинг кистали гигромаси, ҳомила истисқоси, бурун суяги гипоплазияси, вентрикуломегалия билан биргаликда кузатилди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам кариотип аномалияси ташхисланди. Икки томонлама пиелоэктазия 3 нафар (8,5%) ҳомилада ёқа бўшлиғи қалинлигининг катталашиси, ҳомилада силлиқланган профил билан комбинацияда учради. Битта ҳолатда (33,3%) 13-жуфт хромосома микродупликацияси тасдиқланди. Қолган ҳолатларда пиелоэктазиянинг миокардда гиперэхоген фокус билан бирикишида генетик патология аниқланмади.

Ҳомила атрофи сувининг аномал миқдори 4 нафар (11,4%) ҳомиладорда ёқа бўшлиғининг қалинлиги катталашиси, ҳомилада бўйиннинг кистали гигромаси, бурун суяги гипоплазияси, вентрикуломегалия, қон оқимининг бузилиши билан бириккан ҳолда ва фақат кўп сувлилик кўринишида қайд этилди. 2 ҳолатда (50%) ҳомила кариотиби аномалияси (Клайнфельтер синдроми ва 14-жуфт хромосома узун елка қисми микродупликацияси) ташхисланди. Шундай қилиб, кўп сувлиликнинг диагностик аҳамияти хромосом патологиянинг бошқа маркерлари билан бирикканда ўсиб боради.


1-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра ЁБҚнинг катталашиси 5 та нозологиядан 4 тасида учрайди. Бурун суягининг гипо-/аплазияси барча нозологияларда кузатилди. Бу ушбу эхомаркернинг хромосом патологияга нисбатан жуда катта аҳамиятга эгалигидан далолат беради.

Турли хромосом аномалияларга нисбатан УТТ усулининг сезувчанлиги – 90,91%, спецификлиги – 54,17%, салбий прогностик аҳамияти – 92,86%, ижобий прогностик аҳамияти – 47,62%, усулнинг диагностик аниқлиги – 65,72% ни ташкил этди.

Шундай қилиб, УТ ва БК скрининг усулларида аниқланган аёлларда мавжуд хавф омиллари инвазив пренатал диагностикага кўрсатмалар шаклланишида муҳим аҳамият касб этади, шунинг учун пренатал кариотиплашни ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда уларнинг ҳеч бирини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Яна шуни қайд этиш жоизки, ёқа бўшлиғи қалинлигининг катталашиси, бурун суяги гипо-/аплазияси каби эҳтимолий эхомаркер аниқланганда инвазив пренатал диагностикани амалга ошириш керак бўлади. Ўтказилган таҳлиллардан кўриш мумкинки, юқорида кўрсатилган эхомаркер ҳар бир цитогенетик тасдиқланган хромосомали патологияда учради.


Зардоб оқсиллари даражаси текширилганда 35 нафар кўриқдан ўтказилаёт ҳомиладорлардан фақат 23 нафар (65,7%)ида биокимёвий маркерлар кўрсаткичларининг специфик оғишлари кузатилди. 6 ҳолатда

